

ЭЛОБОДДА УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ



Халқимизда “Қариси бор уйнинг париси бор”, - деген нақл бежизга айтилмаган. Катта валод вакилларининг, ҳаёт синовларини мардоновор енгиб, ортирган бой тажрибаси, ҳикматли ўғитлари доимо ёшларга ўрнатки бўлиб келган.

Ютимизда кексаларга эҳтиром, ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб келинмоқда.

Қумқўрғон тумани “Эфел Гардин” тўйхонасида ташкил этилган “Уч авлод учрашуви” да “Элобод” маҳалласининг узок йиллар туманимиз ривожини учун меҳнат қилган фахрий нуронийлар, бир гуруҳ ўрта ва ёш авлод вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда туман ҳокими иштирокчиларни Мустақиллигимизнинг 30 йиллигини билан муборакбод этди.

Унда сўз олганлар юримиз мустақилликка эришгандан сўнг, босиб ўтилган машаққатли йўллар, халқимизнинг бирдамликдаги ҳаракатлари, тарихий воқеалар, амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида айтиб ўтишди.

Учрашув доирасида иштирокчилар рағбатлантирилди. Тадбирда Ватан, бахт-саодат, тинчлик тараннуми этилган куй-қўшиқлар янгради.